

---

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы: Коррупцияга қарши курашиш доирасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари давом этмоқда

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы Ўзбекистон туман бўлимида “Коррупция-тараққиёт кушандаси” шиори остидаги навбатдаги тарғибот тадбири ўтказилди.

Унда бўлим ходимлари ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходими М.Расулов иштирок этди.

Тадбир давомида коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, бу каби жиноятлар учун жазо муқаррарлиги хусусида фикрлар билдирилди.

Соҳа ходимларини ҳалол ва виждонан ишлаш, жамиятимиз ва юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш жараёнида янада фаол бўлишга яна бир бор ундалди.





2024-08-15 09:47:16